



Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ўзаро билимлар алмашинуви бўйича ҳамкорлик дастури (KPP) доирасида Корея Марказий банки (BOK), Кореянинг халқаро ҳамкорликни ривожлантириш институтининг (IIBC) тадқиқот гуруҳи билан 2022 йилда қўшма тадқиқот олиб бориш юзасидан учрашув ва семинар ўтказилди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ:

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Тадбирда ҳар икки банк ўртасида ўзаро билимлар алмашинуви бўйича ҳамкорлик дастури юзасидан икки томонлама меморандум имзоланди.

Мазкур келишув Корея Марказий банки ҳамда Кореянинг

лиётда самарали қўллашга хизмат қилади.

Тадбирнинг иккинчи қисмида “Ўзбекистонда молиявий барқарорлик” мавзусида ташқи ва ички макромолиявий ҳолат, молия тизими таҳлили, вужудга келиши мумкин бўлган хатарлар ва уларнинг таъсири, макро стресс-тестнинг дастлабки натижалари бўйича тақдирот ўтказилди.

МАРКАЗИЙ БАНК ТАШКИЛ ЭТИЛГЕНИГА 30 ЙИЛ ТЎЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришгач, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, банк тизимини ислоҳ қилиш долзарб вазифага айланди. 1991 йили Конституцияга ўзгартиришлар киритилгач, Ўзбекистон ССР Давлат банки Ўзбекистон Республикаси Давлат банки деб номланган ва бундан салкам бир йил ўтиб, 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташкил этилган.

Унинг зиммасига мамлакат пул-кредит сиёсатини олиб бориш, тижорат банклари, тўлов ташкилотлари ҳамда бир неча

нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш, нақд пул муомаласини ташкил этиш, валютани тартибга солиш, Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестициявий мавқеи, ташқи қарзи ва захира активларини ўз ичига олган банк, пул-кредит ҳамда ташқи сектор статистикасини шакллантириш ва эълон қилишни амалга ошириш ва бошқа қатор вазифалар юклатилди.

Ҳозирги кунда Марказий банк тасарруфида 14 та ҳудудий бош бошқармалари ва 10 та ташкилотларида минглаб ходимлар фаолият олиб бормоқда. Унинг ташкил этилиши миллий иқтисодиётимизни босқичма-босқич юксалтириш, банк-молия тизимининг мустаҳкамланишида муҳим роль ўйнаб, Марказий банк мамлакатимизни ривожлантиришга қаратилган барча ислохотларнинг фаол иштирокчиси бўлиб келмоқда.

2022 йил, июль

СИЁСИЙ МАСЛАҲАТЧИ МАЙКЛ ШЕТЦЕЛЬ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раҳбарияти ва Нью-Йорк Федерал захира банкнинг Ижроочи директори ўринбосари – Халқаро алоқалар ва стратегия бўйича катта сиёсий маслаҳатчиси Майкл Шетцель бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказилди.

Учрашувда Марказий банк раҳбарияти томонидан мамлакатдаги макроиқтисодий вазият, амалга оширилаётган пул-

кредит ва валюта сиёсати, шунингдек, яқин истиқболдаги прогнозлар юзасидан батафсил маълумот тақдим



Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) вакиллари билан учрашув ўтказилди.



ҲАМКОРЛИК: ЯШИЛ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЛОЙИҲАЛАРИ

Мулоқот чоғида томонлар корпоратив иқлимни бошқариш ва мамлакат молия сектори учун иқлим хатарлари билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. ЕТТБ вакиллари Ўзбекистон банклари билан ҳамкорликда яшил молиялаштириш лойиҳалари методологияси ва талабларини яратиш бўйича амалга оширилаёт-

ган жорий лойиҳалар билан танишдилар.

Ўз навбатида, Марказий банк раҳбарияти мамлакатда яшил молиялаштириш учун тегишли қонунчиликни яратиш муҳимлигини таъкидлаб, ЕТТБ билан ушбу йўналишдаги ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини билдирди.

УЧРАШУВ

этилди. Ўз навбатида М.Шетцель Ўзбекистонда иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган таркибий ислохотлар давом этаётганини юқори баҳолади.

Учрашув якуни бўйича томонлар ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга тайёрлигини билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида соҳавий медиа-мактаблар доирасида ОАВ вакиллари ва блогерлар учун “Пул, бозор, нархлар ва инфляция. Мамлакат пул-кредит сиёсати ва банк тизимидаги муҳим йўналишлар” мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

МАҚСАД НОХОЛИС АХБОРОТ ТАРҚАЛИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

Тадбирда тренинг иштирокчиларининг макроиқтисодиёт, пул-кредит сиёсатидаги ўзгаришларни кенг жамоатчиликка етказиш бўйича жаҳон тажрибаси, банк тизимидаги энг муҳим йўналишларга оид тақдимотлар, таҳлиллар ва изоҳлар, интеллектуал ўйинлар ва қизиқарли викториналар ўрин олди. Шунингдек, халқаро

ралаш кўникмалари ҳақида маълумот беришди, таъсирчан ва тезкор ахборот ҳамда таҳлилий мақолалар тайёрлаш борасида тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Ушбу семинар-тренинг бугунги кунда ёритилаётган тақдимотлар, таҳлиллар ва изоҳлар, интеллектуал ўйинлар ва қизиқарли викториналар ўрин олди. Шунингдек, халқаро



иқтисодий нашрлар, ривожланган давлатлар марказий банклари матбуот анжуманларидан лавҳалар орқали халқаро иқтисодий маҳорат кўрсатиб берилди. Иқтисодиёт ва банк соҳасини фаол ёритиб келаётган, ўз каналида кўплаб ўқувчиларга эга журналист ва блогерлар иқтисодий мавзуларда материал ёзиш, ахборотларни сарфлаш кўникмалари ҳақида маълумот беришди, таъсирчан ва тезкор ахборот ҳамда таҳлилий мақолалар тайёрлаш борасида тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Ушбу семинар-тренинг бугунги кунда ёритилаётган тақдимотлар, таҳлиллар ва изоҳлар, интеллектуал ўйинлар ва қизиқарли викториналар ўрин олди. Шунингдек, халқаро иқтисодий нашрлар, ривожланган давлатлар марказий банклари матбуот анжуманларидан лавҳалар орқали халқаро иқтисодий маҳорат кўрсатиб берилди. Иқтисодиёт ва банк соҳасини фаол ёритиб келаётган, ўз каналида кўплаб ўқувчиларга эга журналист ва блогерлар иқтисодий мавзуларда материал ёзиш, ахборотларни сарфлаш кўникмалари ҳақида маълумот беришди, таъсирчан ва тезкор ахборот ҳамда таҳлилий мақолалар тайёрлаш борасида тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

УШБУ СОНДА:

ФИРИБГАРЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

БИЗ БАХТНИ ҚЎЛГА КИРИТИШГА ЁРДАМ БЕРАМИЗ

ТЕЗКОР ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТАМИЗ

Банк структурасидаги ўзгаришлар

ТАЙИНЛОВ

Банк бошқаруви раисининг 2022 йил 16 июль кунги буйруғига асосан “Hamkorbank” АТБ Тошкент минтақавий маркази раҳбари Курбанов Жамшид Салахутдинович Сергели банк хизматлари офиси бошлиғи лавозимига тайинланди.

ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР

ФИРИБГАРЛАРДАН
ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Мобиль банкинг иловаларидан фойдаланиш тобора оммаланиб бормоқда. Шу сабабли ҳар хил турдаги фирибгарлар ҳам фаолашди. Фуқароларнинг пластик карталари маълумотларини эгаллаган ҳолда фирибгарлар уларни банк иловаларида рўйхатдан ўтказиб, карталардаги пулларни ўзларининг ҳисоб рақамларига ўтказиб олишмоқда.

Ҳар бир пластик карта эгаси фирибгарлик қурбонига айланиши мумкин. Чунки пластик карталарнинг маълумотларини эгаллаб олиш йўллари кўпайиб бормоқда.

Картангиздан пул йўқолганини сезсангиз, уни блок ҳолатига киритишни унутманг ва зудлик билан ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларига мурожаат қилинг.

Тавсияларимиздан фойдаланинг ва маблағларингизни ҳимоя қилинг:

- Картангизни ҳимоя қилинг, унинг маълумотлари ва махфий СМС кодларини ҳеч кимга берманг.
- Ижтимоий тармоқларда картангиз суратини жойлаштирманг ва мессенжер-

лар орқали юборманг;

• Жойларда тўловларни амалга ошираётганда хушёр бўлинг. Хизмат кўрсатиш ҳамда савдо нуқталари ходимлари карта малумотларини шу тарика эгаллаб олишлари мумкин. Терминал орқали тўловларни амалга оширишда карта кодини ўзингиз теринг.

• Телефонингизга анти-вирус ўрнатинг, зарарли дастур ва вируслар махфий СМС кодларни тўхтатиб, эгаллаб олишлари мумкин;

• Шубҳали иловалар ва веб-сайтларга картангиз маълумотларини киритманг.

Хушёр бўлинг,
хавфсизлик ўз қўлингизда!

Кейинги йилларда мижозларга қулайлик яратиш мақсадида банк тизимида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, банк хизматлари офисларининг ташиқли этилиши бу борада катта қадам бўлди. Шу ўринда жаҳон амалиётидан яхши маълумки, энг йирик компанияларнинг афзаллик жиҳатлари хизмат кўрсатишдаги минималлашув ва тезкорликдир.

Ўз мижозларига энг яхшисини тақдим этишга одатланган “Hamkorbank” АТБ томонидан айна шу жиҳатни инобатга олган ҳолда, замонавий, тезкор ва самарадор банк хизматлари офисларининг ташкил этилгани самара бермоқда. Айниқса, аҳоли зич жойлашган ҳудудларда бундай офисларнинг фаолият юритиши тадбиркорлар учун ҳам, фуқаролар учун ҳам айна муддао. Сабаби, шу жойнинг ўзида банкмиз томонидан таклиф этилаётган барча хизматлардан фой-

даланиш, яъни ҳисобрақам очишдан тортиб кредит расмийлаштиришгача бўлган амалиётларни бажариш мумкин.

Шу ўринда бизнинг кичик жамоамиз замонавий хизмат кўрсатиш баробарида доим мижозлар сафини кенгайтириш ҳаракатида.

ТЕЗКОР ВА СИФАТЛИ
ХИЗМАТ КЎРСАТАМИЗ

Самарқанд шаҳар марказида жойлашганимиз биздан икки карра масъулият билан ишлашни талаб этади. Негаки хизматимиздан фойдаланувчилар орасида хорижликлар ҳам бор. Улар биз орқали бутун Ўзбекистондаги банклар фаолиятига баҳо беради.

Йилнинг биринчи ярим йиллиги якунланди. Кўрсаткичларда самарали иш юритганимиз ўз ифодасини топмоқда. Белгиланган ярим йиллик фойда режаси 132 фойизга бажарилди. Йил бошида мижозлар сони 158 тани ташкил этган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 172

тага етди. Янги жалб этилган мижозларга алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Сабаби уларда банкмизга ишонччи мустаҳкамлаш лозим.

Молиявий кўмак банк кўрсаткичининг асосий омили. Шундан келиб чиқиб бу масалада қилинган ҳар бир мурожаатга ижобий ечим билан жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Ўтган 6 ой давомида 158 та жисмоний ва 51 та юридик мижозларга кредит берилгани бунинг тасдиғидир.

Қўлга киритилаётган ютуқлар ходимларимизнинг ўз вазифасига масъулият билан қараши ва ташаббус-

корлигининг натижаси. Мижоз қачон бизни сўраб келаркин, деб кутиб турмаймиз. Жойларда доимий равишда тарғибот ишларини олиб борамиз. Бу борада ходимларимиз Санжар Қурбонов, Озод Мўминов, Назира Исмоилова ва Дилмурод Бахрамовларнинг фаоллиги эътиборга лойиқ.

Вақтингиз тиғизлиги сабабли молиявий юмушларингизни тез ва сифатли бажариб, биргина ходимнинг ўзи билан барча масалаларга оидлик киритишни истасангиз сира иккиланмай бизга мурожаат қилинг.

Шокир ШОДИЕВ,
Самарқанд филиали
Регистон банк хизматлари
офиси бошлиғи.

“Hamkorbank” АТБнинг Бухоро филиали 2002 йилда фаолиятини бошлаган. Ўз хизматининг тезкорлиги, сифати, хавфсизлиги ва ишончилиги билан мижозлар талабини қондириб келмоқда. Бугунги кунда 1 минг 950 га яқин актив юридик мижозларининг 129 таси йирик, 4 таси VIP тоифадаги мижозлардир.

ИЗЛАНИШ ВА НАТИЖА

Намунали филиаллар қаторида юқори натижаларга эришиб, иқтисодий салоҳиятини юксалтириб келаётган мазкур филиалда 80 нафар ходим хизмат қилиб келмоқда. Уларнинг салоҳияти, билими ва изланишлари бугунги иқтисодий ўсиш жараёнларининг талабига жавоб беради. Улар “банк хизмати дастлабки ишлаб чиқариш ва шахсий эҳтиёжларни эмас, балки уларнинг ҳосиласи бўлган молиявий эҳтиёжларни қондиради”, деган тамойилга амал қилади.

—Тижорат банкларининг рақобатбардошлилигини таъминлашда энг самарали йўл мижозларнинг ишончини қозониш ва улар учун қулайликлар яратиш, — дейди филиал бошқарувчиси ўринбосари Шерзод Мергулов. —Замонавий банк хизматларини жорий

этишга, янги технологиялардан фойдаланишга янада кўпроқ эҳтиёж сезилаётган бугунги кунда ҳар бир ходим ўқиб-ўрганиб, изланишда.

Бугун халқимизнинг турмуш даражаси 10 йиллар олдинги ҳаётдан катта фарқ қилади. Иқтисодий дунёқараши замонавий билимларни эгаллаши натижасида янги молиявий хизматларга бўлган талабларини оширмоқда. Бу борада банк жамоаси ҳар бир кундан янгилик қидиради. Жумладан, кредит ажратишда ортиқча югур-югур, қўшимча келишувсиз қарорлар қабул қилиниши, транзакцияларнинг хавфсиз ва узлуксиз амалга оширилишини таъминловчи миллий чакана тўлов тизимини тузиш ва ривожлантириш, қулай тўлов хизматларини яратиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда инновацион маҳсулотлар, яъни бевосита мулоқотсиз амалга ошириш имкони яратилди. Айна ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш, транспорт, савдо, умумий овқатланиш соҳаларида, айниқса, халқаро тўлов тизимлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш каби хизмат турлари жорий этилди. Банклар ўртасидаги рақобат қўшимча мижозлар жалб этиш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар доираси ва сифатини кенгайтириш масаласига янгича ёндашиш демакдир. Ана шу ҳаракатлар натижасида 6 ойлик якунларига кўра жамоамиз 2-гуруҳ филиаллари орасида 1-ўринни қўлга киритди.

Ҳисобот даврида белгиланган режалар ортиғи билан бажарилди. Биргина захира ва солиққа қадар фойда режаси 13,0 млрд. сўм ўрнига 16,4 млрд. сўмга, яъни 126,1 фойизга бажарилди. Бу жамоанинг меҳнати ва изланишлари натижасидир.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.



Humo - VISA
Kobeyj kartasi

30 000 so'm

“HAMKORBANK”ДАН VISA-HUMO
КОБЕЙЖ КАРТАСИ — ЎЗ ИЧИДА
КЎПЛАБ ҚУЛАЙЛИКЛАРНИ
МУЖАССАМ ЭТГАН КАРТА

Карта Ўзбекистон ҳудудида ва хорижда бирдек амал қилади. Шунингдек, унинг ёрдамида интернет-харидларни ҳам амалга ошириш мумкин. Севимли интернет-дўконларингиздаги товарларга буюртма беринг ва харидлар тўловини дунёнинг исталган нуқтасидан туриб, бир нечта ҳаракат орқали амалга оширинг.

“Hamkorbank”нинг исталган офисида картага буюртма бериш мумкин. Расмийлаштириш нархи — 30 000 сўм.

БИЗ БАХТНИ ҚЎЛГА КИРИТИШГА ЁРДАМ БЕРАМИЗ

Бахт эса, бу “Иномарка” автомашинасини фоизи паст кредит ёрдамида харид қилиш!

Имкониятлар кенгайди ва энди сиз нафақат KIA, шунингдек, Renault ва LADA автомобилларини ҳам кредитга олишингиз мумкин.

Йиллик фоиз ставкаси 7 фоиздан бошланади.

“Hamkorbank” — Биргаликда
юксалиш сари!

